

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ГУЛАМОВ ОЛИМЖОН МИРЗАХИТОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ВА ТАРҚАЛГАН ҚИЗИЛЎНГАЧ САРАТОНИ БИЛАН
ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ХИРУРГИК ТАКТИКА ВА ҲАЁТ
ДАВОМИЙЛИГИНИ ТАХМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ**

14.00.27 – Хирургия, 14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Гуламов Олимжон Мирзахитович

Маҳаллий ва тарқалган қизилўнгач саратони билан хасталанган
беморларда хирургик тактика ва ҳаёт давомийлигини тахминлаш
омиллари

3

Гуламов Олимжон Мирзахитович

Хирургическая тактика и факторы прогноза выживаемости у
больных с местнораспространенным и диссеминированным раком
пищевода

29

Gulamov Olimjon Mirzahitovich

Surgical tactics and survivability prognosis factors in patients with local-
extended and disseminated esophageal cancer

55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

59

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ГУЛАМОВ ОЛИМЖОН МИРЗАХИТОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ВА ТАРҚАЛГАН ҚИЗИЛЎНГАЧ САРАТОНИ БИЛАН
ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ХИРУРГИК ТАКТИКА ВА ҲАЁТ
ДАВОМИЙЛИГИНИ ТАХМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ**

14.00.27 – Хирургия, 14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.3.DSc/Tib240 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифасининг www.rscs.uz ва «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Назиров Феруз Гафурович

тиббиёт фанлари доктори, академик

Давидов Михаил Иванович

тиббиёт фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Байрамов Рамиз Бахтияр оглы

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юсупбеков Абдор Ахмеджанович

тиббиёт фанлари доктори

Хакимов Мурод Шавкатович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги «Н.Н. Петров номидаги Онкология миллий тиббиёт тадқиқот маркази» ФДБМ

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат 1400даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик халқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (62-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик халқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Х.К. Абралов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси муовини,
тиббиёт фанлари доктори

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертасияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, “бирламчи маҳаллий тарқалган саратон оқибати сифатидаги қизилўнгач хавфли стриктураси онкологик касалликлар орасида 6-ўринни эгаллайди, ҳар йили ер юзида қизилўнгач саратони (ҚС) билан 400 000 га яқин киши касалланади, улардан 300 000 бемор ҳаётдан кўз юмади»¹. Барча хавфли ўсмалар орасида «ҚСда бир йил ичида ўлим билан яқунланиш биринчи ўринни эгаллаб, 65-80% кўрсаткични ташкил этади. Беморларнинг 5 йилгача яшаб қолиш кўрсаткичи 10-15% дан ортмайди»². Қизилўнгач хавфли ўсмалари бўлган беморларнинг аксарияти ташхис қўйилган вақтга келиб жараён анча тарқалиб кетгани, ёши ва соматик аҳволи операция ўтказишга қаршилик қилиши туфайли операция қилиб бўлмайдиган ҳолга келиб қолишади. Қизилўнгач саратонини жарроҳлик йўли билан даволаш муаммоси, умуман олганда, яқуний ҳукмдан анча йироқ бўлиб, ҳозирга қадар ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ушбу масала билан шуғулланадиган республикамизнинг етакчи касалхоналари ҳамда хориждаги илғор клиникаларда операциядан сўнг ўлим билан яқунланиш ҳолати 3-10%га қисқарган бўлишига қарамай, бошқа маълумотларга кўра, ушбу кўрсаткичлар 15-45% оралиғида қайд этилиб, ўртача ҳисобда 33%ни ташкил этади. Операциядан кейинги асоратлар кўрсаткичи ҳам юқорилигича қолмоқда – 40-70%. Қизилўнгачнинг кўкрак ичи бўлими саратони сабабли радикал жарроҳлик амалиёти ва бир вақтнинг ўзида эзофагогастропластикани бажаришда босқиччилик ва кириш турини танлаш ҳам методологик, ҳам онкологик жиҳатдан доимо мунозарали масалалардан бири бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Яқин ва узоқ муддатли натижаларни анча яхшилаб, қизилўнгачни олиб ташлашнинг у ёки бу техникасининг афзаллиги ишончли тарзда ўз тасдиғини топганича йўқ.

Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида турли, жумладан, анатом-функционал, генотипик ва морфологик омилларга қараб қизилўнгачда ҳажмли ўсмалар ривожланиши патогенетик механизмлари бўйича мавзулар долзарб тадқиқотлар қаторига киради. Қизилўнгач жарроҳлиги, анестезиология ва онкология ривожланиши билан жарроҳлик амалиётларини ўрганишнинг марказий масалалари қизилўнгач-ошқозон анастомози етишмовчилигининг олдини олишдан 5 йил яшаб қолиш ва “овқат ҳазм қилиш қулайлиги»ни таъминлашгача силжиди – яъни, Льюис амалиётидан кейинги асоратлардан тортиб, реабилитация жиҳатларигача бўлган йўлни босиб ўтди, уларнинг бир қатори қайта таҳлилни талаб этади. Силжиган ошқозон мотор-эвакуаторлик бузилишлари қонуниятлари, гастростаз пайдо бўлиши, демпинг-синдром, рефлюкс-эзофагит борасида ягона фикр мавжуд эмас. Пилоромиятомия ёрдамида кўкрак ичи ошқозонини бўшатиш мақсадга мувофиқлиги

¹World Health Organization. Cancer: fact sheet no. 24. World Health Organization website. 2016. www.who.int/iris/handle/10442/133876

²Давыдов М.И., Бохян В.Ю., Степанов А.А. Хирургическое лечение больных раком грудного отдела пищевода // Вестник РОНЦ им. Н.Н. Блохина РАМН. 2010. № 3. С. 75-79

борасидаги фикрлар ҳам карама-қарши бўлиб турибди. Ошқозон трансплантантининг суюқлик ишлаб чиқариш вазифаси ҳамда микробли колонизацияси, анастомозит, гастрит, эрозия ва ошқозон яраси пайдо бўлишига бўлган таъсири ўрганилмаган. Ундан ташқари, ҳозирга қадар ушбу тоифадаги беморларда операциядан олдинги ва кейинги нур ва кимётерапия самараси ҳар хил баҳоланмоқда.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тараққиётининг ҳозирги босқичида онкологик беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш, хусусан, маҳаллий тарқалган ва ёйилган қизилўнгач саратони бўлган беморларни кўрсатилаётган юқори технологик хирургик хизмат сифатини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда тадқиқотларни давом эттириш долзарблиги сақланиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш бўйича вазифалар киритилган¹. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, даволаш-ташхислаш тактикасини стандартлаштириш, яшаб қолиш ва ҳаёт сифатини башорат қилиш омилларини баҳолаш йўли билан маҳаллий тарқалган ва ёйилган қизилўнгач саратони бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг узоқ муддатли натижаларини яхшилаш истиқболли йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Мазкур диссертация иши маълум маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866 сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071 сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги №266 сонли «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори, шунингдек, соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.² Қизилўнгач саратони бўлган беморларни ташхислаш ва комплекс

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида амалга оширилган: Cushman TR, Shaaban SG, Moreno AC, Lin C, Verma V. Management of Unresectable T4b Esophageal Cancer: Practice Patterns and Outcomes From the National Cancer Data Base. // Am J Clin Oncol. 2018 Nov 28. doi: 10.1097/COC.000000000000499; Schizas D, Mastoraki A, Naar L, Spartalis E, Tsilimigras DI,

жарроҳлик йўли билан даволаш сифатини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан: European Institute of Oncology (Milan, Italy), Johns Hopkins Hospital (Meriland, USA), Memorial Sloan-Kettering Cancer Center (NewYork, USA), Charité Cancer Center (Berlin, Germany), Royal Marsden (London, England), Christie Cancer Center (Manchester, England), Brazilian National Cancer Institute (Rio de Janeiro, Brazil), Samsung Medical Center (Seul, South Korea), National Institute for Physiological Sciences (Tokio, Japan), KU Leuven (Belgium), Max-Planck-Institut für Molekulare Physiologie ва Leibniz-Institut für Molekulare Pharmakologie (Berlin, Germany), University of Copenhagen (Denmark), The national cancer Institute in Milan (Italy); Department of Pathology and Molecular Medicine, Queen's University (Otava, Canada); University of Alabama at Birmingham and the Birmingham Veterans Affairs Medical Center (USA), ЛІСОД клиникаси (Украина), Н.Н.Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази (Россия), В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Тошкент, Ўзбекистон).

Қизилўнғач саратони бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш бўйича дунёда ўтказилган тадқиқотлар натижасида ушбу касалликни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган турли таклифлар киритилган, жумладан: юқори мослашувчанлик имкониятлари ва пластик имкониятлар, ошқозоннинг яхши васкуляризацияси, овқат табиий ўтишининг сақланиб қолиши, трансплантантнинг нисбатан осон шаклланиши аксарият жарроҳларнинг ошқозон эзофагопластикасини танлаш учун асос бўлиши исботланган (Memorial Sloan-Kettering Cancer Center, NewYork, USA); кенгайтирилган лимфодиссекция усули даволашнинг узоқ натижаларини яхшилашда муҳим босқич бўлиши лозимлиги аниқланган, чунки лимфа тугунларининг метастатик зарарланиши яримдан кўп ҳолатларда кузатилган (University of Alabama at Birmingham and the Birmingham Veterans Affairs Medical Center, USA); илғор жарроҳлик усулларини фаол жорий этишга тўсқинлик қилувчи объектив сабабларга қуйидагилар киради: қизилўнғачдаги ўсмалар жойлашувига қараб лимфа тугунлари турли гуруҳларини олиб ташлашга аниқ кўрсатмаларнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, лимфодиссекция ҳажмига қараб, операция турлари бўйича ягона таснифнинг йўқлиги, муҳими

Karachaliou GS, Bagias G, Moris D. Concept of histone deacetylases in cancer: Reflections on esophageal carcinogenesis and treatment. // World J Gastroenterol. 2018 Nov 7;24(41):4635-4642; Come J, Castro C, Morais A, Cossa M, Modcoicar P, Tulsidâs S, Cunha L, Lobo V, Morais AG, Cotton S, Lunet N, Carrilho C, Santos LL. Clinical and Pathologic Profiles of Esophageal Cancer in Mozambique: A Study of Consecutive Patients Admitted to Maputo Central Hospital. // J Glob Oncol. 2018 Nov;(4):1-9; Plum PS, Herbold T, Berlth F, Christ H, Alakus H, Bludau M, Chang DH, Bruns CJ, Hölscher AH, Chon SH. Outcome of Self-Expanding Metal Stents in the Treatment of Anastomotic Leaks After Ivor Lewis Esophagectomy. // World J Surg. 2018 Oct 30. doi: 10.1007/s00268-018-4832-2; Berlth F, Bludau M, Plum PS, Herbold T, Christ H, Alakus H, Kleinert R, Bruns CJ, Hölscher AH, Chon SH. Self-Expanding Metal Stents Versus Endoscopic Vacuum Therapy in Anastomotic Leak Treatment After Oncologic Gastroesophageal Surgery. // J Gastrointest Surg. 2018 Oct 29. doi: 10.1007/s11605-018-4000-x.

– лимфодиссекция усуллари бажаришнинг аниқ тавсифланган методологиянинг мавжуд эмаслиги мутахассислар томонидан таъкидланган (Max-Planck-Institut für Molekulare Physiologie и Leibniz-Institut für Molekulare Pharmakologie, Berlin, Germany); қизилўнгач кўкрак қисми саратонини даволашнинг ягона радикал йўли жарроҳлик усули бўлиб қолмоқда, аммо реконструктив операцияларни амалга ошириш нафақат қизилўнгачнинг мураккаб анатомиясига оид билимларни, балки операция қилишнинг замонавий тамойиллари ва усуллари талаб этади, кўп жихатдан жарроҳ тажрибасига боғлиқ (Н.Н.Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази, Россия).

Ҳозирги кунда дунёда ҚС бўлган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашни яхшилаш бўйича, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар давом этмоқда: қизилўнгачда реконструктив операцияларга тайёрлаш стандартларини ишлаб чиқиш, қизилўнгач экстирпациясидан сўнг турли асоратларни тизимлаштириш ва бир вақтнинг ўзида эзофагогастропластикани амалга ошириш; лимфоген ва гематоген метастазлашнинг олдини олиш учун абластика техникасига амал қилган ҳолда ошқозондан трансплантант шакллантиришнинг янги усуллари ишлаб чиқиш, операция имкониятлари, паллиатив ва радикал амалиётлар, қизилўнгачда хавfli фистула ҳосил бўлганда тактикани такомиллаштириш йўли билан жарроҳлик усулида даволашнинг мураккаб турлари самарадорлигини ошириш, қайталанишлар ва метастаз ривожланишининг олдини олиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тоифадаги беморлар сонининг узлуксиз ўсиб бориши, даволаш тактикаси масалаларига турлича ёндашув ва даволаш натижаларининг қониқарсизлиги ушбу патологиянинг айрим жихатларини такомиллаштиришни давом эттириш заруратини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қизилўнгач саратонини жарроҳлик усули билан даволаш муаммоси етарли даражада ёритилган бўлиб, бутун дунёда йирик илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда клиникаларида ўрганиб келмоқда. Бугунги кунда қатор жарроҳлар қизилўнгачдаги кўп босқичли операциялардан кўра, бир йўла тикловчи операцияларга кўпроқ мурожаат қилиб, трансплантант сифатида ошқозон катта эгрилигидан бичилган найчадан фойдаланиб, бўйин ва плевра ичидаги қизиўнгач анастомозлари шакллантирилмоқда (Ohkura Y¹ ва Klevebro F²). Chiappa A³ фикрига кўра, «қизилўнгачнинг мураккаб топографик-анатомик жойлашуви, пластика жараёнида кўкрак ва қорин бўшлиғида бир вақтнинг ўзида амалиёт бажариш зарурати реконструктив операцияларни

¹ Ohkura Y, Ueno M, Iizuka T, Udagawa H. Prognostic Factors and Appropriate Lymph Node Dissection in Salvage Esophagectomy for Locally Advanced T4 Esophageal Cancer. // Ann Surg Oncol. 2018 Nov 21. doi: 10.1245/s10434-018-7074-5.

² Klevebro F, Johar A, Lagergren J, Lagergren P. Outcomes of nutritional jejunostomy in the curative treatment of esophageal cancer. // Dis Esophagus. 2018 Nov 28. doi: 10.1093/dote/doy113.

³ Chiappa A, Andreoni B, Dionigi R, Spaggiari L, Foschi D, Polvani G, Orecchia R, Fazio N, Pravettoni G, Cossu ML, Galetta D, Venturino M, Ferrari C, Macone L, Crosta C, Bonanni B, Biffi R. A rationale multidisciplinary approach for treatment of esophageal and gastroesophageal junction cancer: Accurate review of management and perspectives. // Crit Rev Oncol Hematol. 2018 Dec;132:161-168.

кийинлаштириб, жароҳат даражасини оширади, бу эса юқори даражали жарроҳлик техникаси ҳамда малакали ходимларни талаб этади». Аммо, жарроҳнинг яхшигина тайёргарлиги ҳамда тажрибасидан ташқари, оқилона анестезиологик ва реанимацион хизмат, операциядан сўнг беморларни тўғри парваришlash зарур бўлади.

Кейинги йилларда қизилўнгач саратони жарроҳлигидаги кўпгина муаммолар қайта кўриб чиқилмоқда. Wang L фикрига кўра¹, «бу операция бир неча ўн йиллар давомида бош муаммо саналган ва операциядан кейин ўлим ҳолатларининг юқори даражасини таъминлаган техник томони яхши ривожлангани билан боғлиқ. Қизилўнгач саратонининг кимётерапияга кам сезгирлиги, нур терапиясининг паллиатив ва қисқа муддатли самараси сабабли жарроҳлик усули қизилўнгач саратони билан касалланган беморларни даволашда асосий бўлиб қолмоқда». Шу сабабли, узоқ вақт жарроҳлик даволашдаги кўп жиҳатлар – жарроҳлик киришининг оптималлиги, орган резекцияси даражаси ва лимфа коллекторлардаги аралашувлар ҳажмининг оқилоналиги кабилар сояда қолиб келди. Ундан ташқари, ўсма инвазияси характерини баҳолаш операция техникасининг муҳим жиҳати бўлиб, Haisley KR фикрича², «онкологик операциялардан кейинги маҳаллий қайталанишлар, узоқ муддатли метастазлар билан бирга башоратни ёмонлаштирадиган асоратлар бўлиб, кўпгина ҳолларда жарроҳлик йўли даволаш натижасини йўққа чиқаради. Аввал ўтказилган операция ўрнида қайталаниш ҳосил бўлиши операциянинг етарли даражада радикал эмаслиги, имплантацион метастаз, операция давомида рак хужайраларининг яра бўйлаб тарқалиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Буларнинг бари ўсмага оптимал йўл билан бориш, ишончли қизилўнгач-ошқозон анастомозини яратиш кабиларга қаратилган қизилўнгач саратонини жарроҳлик йўли билан даволашга бўлган комплекс ёндашувларни ҳар томонлама ўрганишга асос бўла олади, шу билан биргаликда, комплекс ёндашувларни такомиллаштириш илмий изланишнинг истиқболли йўналишларидан бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар шарҳи шуни кўрсатадики, қизилўнгач касалликларини ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш сифати сезиларли даражада яхшиланган, аммо эзофагопластикада қизилўнгач анастомозларини ва трансплантатни шакллантиришнинг янги усуллари, тарқалган қизилўнгач саратонининг турли кўринишларида ташхислаш тактикаси стандартлаштирилган баённомаларини ишлаб чиқиш, турли усуллардаги операциялардан сўнг беморлар ҳаёт сифатини ўрганиш, шунингдек операциядан кейинги асоратларнинг олдини олиш бўйича даволаш чоратадбирларини оптималлаштириш қизилўнгачдаги хавфли касалликлари бўлган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан ҳисобланади.

¹ Schlottmann F, Strassle PD, Molena D, Patti MG. Influence of Patients' Age in the Utilization of Esophagectomy for Esophageal Adenocarcinoma. // Schlottmann F, Strassle PD, Molena D, Patti MG.

² Haisley KR, Hart CM, Kaempf AJ, Dash NR, Dolan JP, Hunter JG. Specific Tumor Characteristics Predict Upstaging in Early-Stage Esophageal Cancer. // Ann Surg Oncol. 2018 Oct 30. doi: 10.1245/s10434-018-6804-z.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт марказининг «Қизилўнғач касалликлари ва ошқозон кардиясида дисфагия синдромини ташхислаш, консерватив ва жарроҳлик йўли билан даволашга методик асослар ва комплекс ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги АТСС 3.4 (2012-2014 йй.) ва «Қизилўнғач ва ошқозон кардияси реконструктив-тиклаш хирургиясида анастомозни шакллантириш усулини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» мавзусидаги АДСС 15.3.5 (2015-2017 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади даволаш-ташхислаш тактикасини стандартлаштириш, яшаб қолиш ва ҳаёт сифати омилларини баҳолаш орқали маҳаллий тарқалган ва ёйилган қизилўнғач саратони бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг узок натижаларини яхшилашдан иборат

Тадқиқот вазифалари:

маҳаллий тарқалган ва ёйилган қизилўнғач саратонини жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари таҳлилини амалга ошириш;

қизилўнғачдаги реконструктив-тиклаш операцияларидан кейин яқин ва узок муддатларда ўзига хос асоратлар ривожланишининг сабаб-оқибат омилларини ўрганиш;

маҳаллий тарқалган қизилўнғач саратони бўлган беморларда қилиўнғач-ошқозон анастомозини шакллантиришнинг оригинал усулини ишлаб чиқиш;

маҳаллий тарқалган ва ёйилган қизилўнғач саратони бўлган беморларда кумулятив эгриликни ўрганиш ва ҳаётини сақлаб қолиш башорати омилларини стратификация қилиш;

маҳаллий тарқалган қизилўнғач саратонини жарроҳлик йўли билан даволашнинг турли усулларида сўнг беморлар ҳаёт сифатини ўрганиш;

маҳаллий тарқалган ва ёйилган қизилўнғач саратонида жарроҳлик аралашувининг оптимал вариантини аниқлаш;

маҳаллий тарқалган қизилўнғач саратонининг турли шаклларида даволаш-ташхислаш тактикасининг стандартлаштирилган баённомаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг қизилўнғач ва ошқозон хирургияси бўлимида турли жарроҳлик усулида даволанган, маҳаллий тарқалган ва ёйилган қизилўнғач саратони бўлган 483 нафар бемор ва Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Н.Н.Блохин номидаги Миллий тиббий-тадқиқот маркази» Федерал бюджет муассасасининг торак-абдоминал бўлимида жарроҳлик усулида даволанган, маҳаллий тарқалган ва ёйилган қизилўнғач саратони бўлган 112 нафар бемор хизмат қилади. Тадқиқотнинг асосий объекти бўлиб оғир тоифадаги беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш сифатининг кўп омилли таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети қизилўнғач субтотал экстирпацияси радикал

операциялари ва бир вақтнинг ўзида эзофагогастропластика олган, маҳаллий тарқалган ва ёйилган қизилўнгач саратони бўлган беморларни жарроҳлик усулида даволаш натижаларинг таҳлиллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун қуйидаги методлар қўлланди: умумклиник (қон ва сийдикнинг умумий ва биокимёвий таҳлили), инструментал (спирография, ЭКГ, эхокардиоскопия), эндоскопик (фибробронхоскопия, фиброгастро-дуоденоскопия), нурли текширув усуллари (кўкрак қафаси рентгеноскопияси, қизилўнгач ва ошқозоннинг полипозицион рентгенконтраст тадқиқи, қорин бўшлиғи УТТ, МСКТ, МРТ), морфологик ва статистик тадқиқот методлари.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

маҳаллий тарқалган қизилўнгач саратонида эзофагоанастомозни шакллантириш усули ишлаб чиқилган бўлиб, у бирлаштирилаётган аъзоларнинг қон билан таъминланишини кучайтириб, операциядан кейинги асоратлар ривожланиш хавфини камайтириши аниқланган;

маҳаллий тарқалган ва ёйилган қизилўнгач саратони бўлган беморлар яшаб қолиш прогнози омиллари стратификация қилинган;

маҳаллий тарқалган қизилўнгач саратони бўлган беморларда икки зонали лимфодиссекцияни бажарган ҳолда операция қилиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

ички лимфодиссекция лимфатик коллекторларни, жумладан, паратрахеал, трахеобронхеал, бифуркацион, параэзофагеал ва парааортал лимфа тугунларни плевра бўшлиғи қуббасидан диафрагмагача олиб ташлашни ўз ичига олиниши исботланган;

маҳаллий тарқалган қизилўнгач саратони бўлган беморларда талоқ, умумий жигар артериялари ва қорин ичи тармоғидаги қорин бўшлиғи юқори қаватидаги лимфа коллекторларининг қорин ичи лимфодиссекциясини бажаришдаги аҳамияти аниқланган;

қизилўнгач саратонининг резекция қилиб бўлмайдиган ва ёйилган босқичларини паллиатив даволашда эндоскопик аралашувларни (диатермотуннеллаш ва стентлаш) бажариш аҳамияти аниқлаштирилган;

EORTC-QLQ-30 сўровномаси ва қизилўнгач саратонига хос OES-24 модулини биргаликда қўллаш орқали операция қилинган беморларнинг ҳаёт сифати аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган қизилўнгач анастомозини шакллантириш усули операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтириши бўйича самарадорлиги исботланган;

маҳаллий тарқалган қизилўнгач саратони бўйича жарроҳлик аралашуви икки зонали лимфодиссекцияни (кўкрак ичи ва қорин ичи) қамраб олиши лозимлиги исботланган;

қизилўнгач ўсмаларининг резекция қилиб бўлмайдиган босқичларини даволашда эндоскопик диатермотуннеллаш ва стентлаш қўлланиши, табиий овқатланиш жараёнини таъминлаб, ҳаёт сифатини яхшилаши аниқланган;

маҳаллий тарқалган ва ёйилган қизилўнгач саратонини жарроҳлик йўли билан даволашда патологик жараён тарқалганлигини эътиборга олиб, дисфагияни коррекциялашнинг оптимал вариантыни танлаш имконини берувчи алгоритм ишлаб чиқилган;

ҳаёт сифати ва яшаб қолишни баҳолашга асосланган ҳолда маҳаллий тарқалган ва ёйилган қизилўнгач саратонини даволаш усулларини танлашнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижалар ишончлилиги беморлар аҳволини баҳолашда объектив мезонлар, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларидан фойдаланиш, статистик таҳлилнинг методологик ёндашувлари ва тўпламларини тўғри қўллаш билан белгиланади. Тадқиқот етарли даражадаги клиник материал асосида ўтказилган. Диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал этиш усуллари ҚСни ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш тўғрисидаги замонавий илмий-амалий тасаввурлар ҳамда ёндашувларга асосланади. Кўриб чиқилган масалалар ечими тиббий статистиканинг синалган замонавий усуллари асосида бажарилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тиббий онкологиянинг замонавий ютуқларига қўшилган ҳиссаси билан белгиланади. Маҳаллий тарқалган ва ёйилган қизилўнгач саратони бўлган беморларнинг яшаб қолишини прогнозлаш омиллари стратификация қилинган. Турли вариантлардаги радикал аралашувларни бажаришнинг аҳамияти аниқланган. Маҳаллий тарқалган қизилўнгач саратонида аъзоларни бирикиш қисмида қон билан яхши таъминланишига шароит яратувчи эзофагоанастомозни шакллантириш усули ишлаб чиқилган. Кўкрак ичи ва қорин ичи лимфодиссекция бажаришнинг муҳим аҳамиятга эгаллиги исботланган. Ишнинг айрим натижалари магистрлар, клиник ординаторлар ва курсантларни ҚС бўлган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича мавзуларнинг мазмуни ва тузилишини такомиллаштиришда қўлланиши мумкин.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, қизилўнгач анастомозини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган усул самарадорлиги исботланган, бу эса операциядан кейинги махсус асоратлар хавфини камайтириш имконини берган. Индивидуал башорат қилиш бўйича келтирилган модел маҳаллий тарқалган ва ёйилган ҚСнинг турли вариантларида касалликнинг кечиши, яшаб қолиш башорати ва касаллик оқибатини белгилаш имконини берган. Қизилўнгач кўкрак қисми саратонининг маҳаллий тарқалган турлари бўлган беморларга ҳаёт учун муҳим органларга инвазия ва узок муддатли метастаз бўлмаган ҳолларда кенгайтирилган икки зонали (2F) абдомино-медиастинал лимфодиссекцияни қамраб олган радикал жарроҳлик операцияларини бажариш мақсадга мувофиқлиги исботланган. ҚСнинг операция қилиб бўлмайдиган шаклларида беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш учун эндоскопик диатермотуннеллаш ва стентлашни қўллаш паллиатив аралашувлар самарадорлигини ошириши аниқлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ҚС бўлган беморларга юқори технологик жарроҳлик ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Қизилўнгач анастомозини шакллантириш усули» га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 03944-сон патент, 2009 йил). Маҳаллий тарқалган қизилўнгач саратонини жарроҳлик йўли билан даволашда янги усулни жорий этиш бирлашув жойидаги оқилона қон айланишини таъминлаш ва операциядан кейинги ўзига хос асоратларривожланиши эҳтимолини қисқартириш имконини берган;

«Маҳаллий тарқалган ва ёйилган қизилўнгач саратони бўлган беморлар учун жарроҳлик тактикасини танлаш методологияси» тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 18 октябрдаги 8 н-д/214-сон маълумотномаси). Даволаш дастурини жорий этиш яқин муддатларда ўзига хос асоратлар миқдорини 39,2% дан 14,8% гача қисқартириш ва шунга мос равишда ўлим кўрсаткичини 17,5% дан 6,8% га камайтириш имконини берган;

қизилўнгач саратони бўлган беморларга юқори технологик жарроҳлик ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Андижон в Тошкент вилоятлари филиаллари амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 18 октябрдаги 8 н-д/214-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Таклиф этилган комплекс даволаш усулини ҚС бўлган беморларда қўллаш узоқ ва яқин натижаларини яхшилаш ва кўрсатиладиган ёрдам сифатининг ижобий даражасини 50,0% дан 78,6%гача кўтариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 10 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 4 та халқаро ва 6 та республика анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 10 та мақола, улардан 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулосалар, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертация ҳажми 200 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари шакллантирилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқот натижалари

апробацияси ва нашр этилиши ҳақида маълумотлар, иш ҳажми ва қисқача тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Маҳаллий тарқалган қизилўнгач саратонини хирургик даволашнинг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида қизилўнгачда амалга оширилган радикал операциялардан сўнг асоратлар ривожланиши масалаларига бағишланган тўртта бўлимдан ташкил топган адабиётлар шарҳи келтирилган. Тарихий маълумотлар ва маҳаллий ривожланган ва диссеминацияланган қизилўнгач саратонини даволаш тактикаларига замонавий қарашлар батафсил ёритилган. Кейинчалик ҳам ўрганиш ва такомиллаштиришни талаб этувчи қизилўнгачда рконструктив-тиклаш операцияси натижаларини яхшилашга оид баҳсли ва ечилмаган масалалар доираси аниқланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усулларининг умумий тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг клиник материаллари ва фойдаланилган усуллари тасвирланган. Диссертация тадқиқотида қизилўнгач саратонининг маҳаллий тарқалган ва диссеминацияланган шакли бўлган, академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-тадқиқот марказининг қизилўнгач ва ошқозон хирургияси бўлимида хирургик даволашнинг турли вариантлари амалга оширилган 483 нафар ва Н. Н. Блохина номидаги онкология илмий тиббиёт тадқиқот маркази ФГБУнинг торақ-абдоминал бўлимида хирургик даволанган 112 та беморни текшириш натижалари таҳлил қилинган. Беморлар умумклиник ва махсус инструментал тадқиқод усуллари билан комплекс текширилди.

Беморлар қизилўнгач саратони тарқалганликгига кўра қуйидагича тақсимланди: маҳаллий тарқалган қизилўнгач саратони бўлган беморлар – 342 нафар (57,5%) ва диссеминацияланган қизилўнгач саратони бўлган беморлар – 253 нафар (7,7%). Амалга оширилган радикал операцияларга кўра, 342 та бемор 2 та таққослаш гуруҳга бўлинди ва улар жинси, ёши, бирламчи патологияси ва гэндош касалликлар билан репрезентал бўлишган ($p>0,05$). Қизилўнгач анастомозаларининг шаклланишининг такомиллашган техник жиҳатлардан фойдаланишга кўра, бўйин бўшлиғидан ташқи анастомозаси бўлган 216 та бемор иккита таққослаш гуруҳостига бўлинди ва улар жинси, ёши, бирламчи паталогия табиати ва ёндош касалликлар билан репрезентабелли бўлишган ($p>0,05$).

Биринчи (назорат) гуруҳни 1991 йилдан 2017 йилгача қизилўнгач ва ошқозон хирургияси бўлимида даволанган, стандарт радикал операция амалга оширилган 216 нафар бемор ташкил этди.

Иккинчи (асосий) гуруҳни 2010 йилдан 2015 йилгача операция қилинган 126 та бемор ташкил қилди. Ушбу гуруҳда радикаллиги бўйича кенгайтирилган операция амалга оширилган.

Биринчи (назорат) гуруҳостини 1991 йилдан 2000 йилгача қизилўнгач ва ошқозон хирургияси бўлимида даволанган ва қизилўнгач анастомозасини шакллантиришнинг анъанавий усули фойдаланилган 74 та беморлар ташкил этди.

Иккинчи (асосий) гуруҳостини 2001 йилдан 2017 йилгача операция қилинган 142 та беморлар ташкил этди. Ушбу гуруҳда қизилўнғач анастомозини шакллантиришнинг патентланган оригинал усули қўлланган.

Диссертациянинг «Қизилўнғач саратонининг диссеминацияланган шаклини даволаш тактикаси» деб номланган учинчи бобида қизилўнғач саратонининг норезектабел шакли бўлган беморларни ташхислаш хусусиятлари келтирилган. Беморларни таққослаш ва даволаш табиати – дисфагияни тузатишга кўра тақсимлаш 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Амалга оширилган эксплоратив ва паллиатив аралашувлар тури

	Операция тури	Жами
Эксплоратив	Эксплоратив лапаротомия	68
	Эксплоратив торакотомия	64
Паллиатив	Гастростомия	17
	Лапаротомия, дренажлаш. кўкрак қафаси + гастростомия	2
	Стендлаш билан диатермотуннелизация	62
	Стендлаш билан бужлаш	24
	Анъанавий стенд билан стентлаш	193
	Замонавий стент билан стентлаш	16

Шундай қилиб, жами 253 та (100%) беморнинг 35 тасида (18,3%) ўта оғир даражадаги ҳолат ва жарроҳлик аралашувини амалга ошириш имконсиз бўлгани сабаб фақат консерватив терапия амалга оширилди. 9 та беморда (3,5%) гастростомия амалга оширилди. 209 нафар (82,6%), жумладан илгари эксплорация амалга оширилган беморларнинг барчасида адекват даволашнинг кейинги босқичи сифатида эндоскопик муқобил усулдан фойдаланилди.

Қизилўнғач саратонининг норезектабел шаклини текшириш ва даволаш натижаларини таҳлил қилиш қуйидагиларни кўрсатди:

III-IV даражадаги қизилўнғач саратони 72% ҳолатда диссеминацияланган ҳисобланади. Касалликнинг кечиши барча ҳолатда оғир даражадаги дисфагия ёки тўлиқ ўтказмаслик билан оғирлашади .

Кўкрак қафасининг ўрта ёки пастки учдан бир қисмида жойлашган диссеминацияланган норезектабел қизилўнғач саратонида (III-IV даражадаги дисфагия билан) эндоскопик протезлаш усули 82,6% беморда самарали таъсир кўрсатган.

Диссеминацияланган қизилўнғач саратонида протезлаш имконсиз бўлган 3 ёки бўйин қисмида энтерал озиклантиришнинг ягона усули гастростомия ҳисобланади.

Гастростомия илгари қизилўнғач саратонининг норезектабел шаклида амалга оширилган операция усули бўлиб, руҳий жиҳатдан таъсир кўрсатувчи аралашувлар гуруҳига киради.

Норезектабеллиликнинг асосий сабаби трахеит-бронхиал ўсма ва аортанинг ўсиши ҳисобланади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Маҳаллий тарқалган қизилўнғач саратонини хирургик даволаш техникасини такомиллаштириш» деб

номланади. Ушбу бобда 1991 йилдан 2017 йилгача академик В. Воҳидов номидаги РИХИТМнинг қизилўнгач ва ошқозон хирургияси бўлимида маҳаллий тарқалган қизилўнгач саратони бўлган 216 нафар беморда амалга оширилган хирургик даволаш ва бир вақтнинг ўзида –бўйин соҳасида қизилўнгач анастомозини шакллантириш билан қизилўнгач экстрипацияси натижалари келтирилган.

Беморларни жинси ва ёшига кўра тақсимлаш 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Беморларни жинси ва ёшига кўра тақсимлаш

Ёш Жинси	19-44 ёш		45-59 ёш		60-75 ёш		> 75 ёш		жами	
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
Эркалар	10	4.63%	61	28,24%	42	19,44%	2	0,92%	115	53,24%
Аёллар	15	6,94%	53	24,53%	33	15,28%	0	0%	101	46,76%
Жами	25	11.6%	114	53.14%	75	34.3%	2	0.97%	216	100%

Қизилўнгач анастомозини шакллантиришга кўра 216 нафар бемор 2 гуруҳга бўлинди.

Назорат гуруҳини 1991 йилдан 2000 йилгача даволанган 74 та бемор ташкил этди. Ушбу гуруҳда қизилўнгач анастомозини шакллантиришнинг анъанавий усуллари қўлланган.

Асосий гуруҳни 2001 йилдан 2017 йилгача даволанган 142 нафар бемор ташкил этди. Ушбу гуруҳдаги беморларда қизилўнгач анастомозини шакллантиришнинг такомиллашган усули қўлланилди. Беморларни комплекс текшириш асосида 3-жадвалда келтирилган қизилўнгач саратонининг куйидаги жойлашуви ва даражаси аниқланди

3-жадвал

Беморларни ўсма жойлашувига кўра тақсимлаш

Қизилўнгач ўсмаси жойлашуви	Назорат гуруҳи	Асосий гуруҳ	Жами
Қизилўнгачнинг бўйин қисми	-	-	0
Кўкрак қақасининг тепа учдан бир қисми	1	2	3(1,4%)
Кўкрак қақасининг юқори ва ўрта учдан бир қисми	4	6	10(4,6%)
Кўкрак қақасининг ўрта учдан бир қисми	23	39	62(28,7%)
Кўкрак қақасининг ўрта ва қуйи учдан бир қисми	27	39	66(30,5%)
Кўкрак қақасининг қуйи қисми	16	53	69(31,9%)
Кўкрак қақасининг пастки учдан бир қисми + КЭП	3	3	6(2,8%)
ЖАМИ	74	142	216

Таққослаш гуруҳида амалга оширилган операция аралашувлари табиати бир хил, барча 216 та беморда бир вақтда ташқи бўшлиқ эзофагогастроанастомозни шакллантириш билан қизилўнгачнинг субтотал экстрипацияси амалга оширилди. Улардан 172 та беморда абдомин-цервикал киришдан, 44 та беморда торакал-абдомин-цервикал кириш қўлланилди.

Ташқи бўшлиқ қизилўнгач анастомозини шакллантириш усулларига кўра беморлар қизилўнгач анастомозининг анъанавий усуллари қўлланилган 74 та бемордан иборат назорт гуруҳига ажратилди. Асосий гуруҳни эзофагогастроанастомознинг янги ишлаб чиқилган варианты қўлланган 142 нафар бемор ташкил қилди. Назорат гуруҳида асоратлар учраш сони 4-жадвалда келтирилган

4-жадвал

Назорат гуруҳидаги қизилўнгач ўсмаси бўлган беморларда қизилўнгач анастомозининг вариантларига кўра етишмаслик учраш сони

	N	НА*	НА+ошқозон.-трахеал тешик	НА + медиастиналар	Жами
Березов салазочли тикиши билан учма-уч ЭГА	64	19	1	2	22 (34,4%)
Учма-уч инвагинацион ЭГА	9	1	-	1	2 (22,2%)
Ёнбош охирида ЭГА	1	-	-	-	-
ЖАМИ	74	20	1	3	24 (32,4%)

Шундай қилиб, Березов услуби бўйича «учма-уч» салазочли тикиш типига кўра эзофагогастроанастомоздан фойдаланиб гастроэзофагопластика амалга оширилган 64 та бемордан 2 тасида (3,1%) йирингли медиастинит гастротрансплантатнинг сўнги некрози ривожланди, қолган 2 та (3,1%) беморда эса ўпкага йирингли жараён тарқалиши сабаб медиастинитдан ташқари ўпка эмпиемаси ҳам ривожланди. Шундай экан, Березов услуби бўйича «учма-уч» салазочли чок типига кўра эзофагогастроанастомозда КНГТ 6,25% беморда ривожланди, гастротрансплантат некрозининг умумий миқдори 5,4%ни ташкил этди.

Березов усулуби бўйича «учма-уч» салазосли тикиш анамостозида эзофагогастроанастомоз ҳолати яхшиланмаслиги сабаб гастротрансплантатнинг проксимал қисмини тикишнинг етишмаслиги 1 та беморда ривожланди.

Шундай қилиб назорат гуруҳида трансплантат некрози шакли ва охириги чоклар етишмаслиги сабаб аҳволи ўнганмаган беморларнинг умумий сони 74 тадан 24тани (32,4%) ташкил қилди.

Қизилўнгач анастомозининг етишмаслигининг аниқланган сабаблари асосида биз томондан уларнинг такдим этилган қоидалари билан бирга маълум қизилўнгач анастомозларнинг янги модификацияси ишлаб чиқилди ва унда иккита мақсад кўзланган:

1. Қизилўнгач анастомозларининг чоклари етишмовчиликларининг ривожланиш учраш сонини камайтириш, бу қизилўнгач саратони бўлган беморларда ўтказиладиган қизилўнгач пластикаси амалга ошириладиган беморларни хирургик даволашнинг бевосита натижаларини яхшилашга имкон берди;

2. Қизилўнгач анастомозларнинг чандикли стриктураси ривожланиш учраш сонини камайтириш, бу эзофагопластиканинг узоқ муддатли натижалари ва операция қилинган беморлар ҳаёти сифатини

яхшилашга имкон берди.


Биз «учма уч» типдаги анъанавий эзофагогастроанастомознинг модификацияси ишлаб чиқилди. Биз уни «қийшиқ кўндаланг эзофагогастроанастомоз» деб номладик. «Қизилўнгач анастомозини шакллантириш усули» кашфиёти учун Ўзбекистон патент идорасидан 03944 рақамли патент олинди.

Ушбу вариантни шакллантириш бирнечта босқичлардан иборат:

1. Ошқозоннинг катта эгрилигидан ҳосил этилган изоперисталтик найча узун қизилўнгач девори бўйлаб олдиндан ажратилган бўйин қисмига киритилади;


2. Қизилўнгачнинг бўйин қисмини мобилизациялаш ва ажратиш унинг ўнг деворидаги томирларини сақлаб қолиш билан амалга оширилади

3. Анастомознинг орқа лаби чоклари биринчи қатори қизилўнгачнинг чултоғини орқа-чап девори ва гастротрансплантатнинг проксимал қисмининг орқа ўнг девори ўртасида жойлашади ва бор-йўғи 4-5 чоклар зарур бўлади, бу 1-расмда тасвирланган



1-расм. Қийшиқ кўндаланг эзофагогастроанастомоз орқа лабларининг шаклланиши

1. Қийшиқ кўндаланг йўналишда 2-3см юқорига қизилўнгач олд-чап деворини кесиш амалга оширилади, бунда қизилўнгачнинг анастомозланадиган қисми диаметри гастротрансплантат ўлчамига яқинлашади, ёруғлик ҳам тешикнинг орқа лаблари чокларининг биринчи қаторига параллел равишда сўрилади. Бу 2-расмда тасвирланган.




2-расм Қизилўнгачни чап деворини кесиш йўли билан анастомоз майдонини кенгайтириш

1. Анастомознинг орқа лаби чокларининг иккинчи қатори ҳам тугунли, унда қизилўнғач ва гастротрансплантатнинг шиллиқ қавати пухталиқ билан бир-бирига мослаштирилади. Бунда анастомозни гофрировкалаш қизилўнғач чултоғи ёриғини ошиши ҳисобига бекор қилинади, аввалроқ таклиф этилган усулдан фарқли тикилган органлар диаметри трансплантатнинг проксимал қисмини гофрировкалаш ҳисобига амалга ошириларди.

2. Худди шундай эзофагогастроанастомознинг олд лабларини икки қаторли чоклар тугунлари билан амалга оширилади, бунда 2-3та чоклар тугунлари билан рефлюкс-эзофагитнинг олдини олиш учун олд лаблар қисман инвагинацияси амалга оширилади.

Шундай қилиб, «учма-уч» типдаги икки қаторли чоклар кенг қийшиқ кўндаланг эзофагогастроанастомоз шаклланади, 3-расмда якуний шакл тасвирланган.



3-расм Қийшиқкўндаланг эзофагогастроанастомознинг якуний шакли

Эзофагогастроанастомознинг тақдим этилган вариантнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

1. Анастомоз чизиғи бир текисликда бўлмайди, бу қизилўнғач анастомози таранглигини камайтиради;

2. Тўғридан-тўғри анастомоздан фарқли қизилўнғачнинг ўнг девори қон билан таъминланиши сақланиб қолади, қизилўнғач маълум ораликда ҳаракатланади, буларнинг барчаси анастомоз соҳасида микроциркуляция сифатини яхшилайти.

3. Адекват тикилган органлар таққосланиши ҳисобига анастомоз чизиғи гофрировкаланмайди;

4. «Учма-уч» типи бўйича тўғридан тўғри эзофагогастроанастомозга нисбатан анастомоз майдони каттароқ, бу чандикли структур профилактикаси ҳисобланади;

Қийшиқ кўндаланг ЭГА асосий гуруҳдаги 142 та беморда шаклланган.

Анънавий ва қийшиқ кўндаланг қизилўнғач анастомозлари натижаларининг таҳлили 5-жадвалда келтирилган.

Эзофагопластиканинг специфик асоратларига қизилўнғач анастомозлари чокларининг етишмаслиги, шунингдек, эзофаготрансплантатнинг сўнгги ёки тотал некрози ҳамда сўнгги проксимал қисм чокларининг етишмаслиги киради, бу анастомозларнинг чоклари етишмовчилигига олиб келади ва иккиламчи характерга эга бўлади.

Жадвалдаги маълумотлар асосида барча специфик асоратлари сонининг аниқ пасайгани кузатилади:

- қизилўнгач анастомозлари чоклари етишмаслиги 32,4% дан 13,4% гача пасайди ($\chi^2=11.08$; $p=0.0009$);

- трансплантат некрози 5,4% дан 0,7% гача пасайди ($\chi^2=4.755$; $p=0.029$);

- трансплантат чоклари етишмаслиги 1,3% дан 0,7% гача пасайди ($\chi^2=0.22$; $p=0.64$).

5-жадвал.

Эзофагопластикада ўзига хос асоратларни қиёсий баҳолаш

Анастомоз шакли	Сон	етишмаслик	Трансплантат некрози	Трансплантат чоклари етишмаслиги	Жами специфик асоратлар
ЭзГА к-к салаз	63	21	4	1	26(41,2%)
ЭзГА к-к инваг	9	2	-	-	2(22,2%)
ЭзГА к-б	2	1	-	-	1(50%)
<i>Жами</i>	74	24(32,4%)	4(5,4%)	1(1,3%)	29(39,2%)
ЭзГА к-п	142	19	1	1	21
<i>Жами</i>	142	19(13,4%)	1(0,7%)	1(0,7%)	21(14,8%)

Қизилўнгачда бўйин соҳасида қизилўнгач анастомозини шакллантириш билан кечган радикал стандарт операцияларини бевосита натижаларининг қиёсий таҳлили АГ да қийшиқ кўндаланг ЭГА ни жорий қилиниши билан специфик асоратлар сонини (чоклар етишмаслиги, трансплантат некрози) 39,2% дан 14,8% гача пасайганини кўрсатди ($\chi^2=16.74$; $p=0.000043$).

Бўйинда шакллантириладиган анъанавий, қийшиқ кўндаланг ва кўкрак бўшлиғида шакллантирилган академик М.И.Давидов усули бўйича қизилўнгач анастомозлар натижаларини таҳлили 6-жадвалда кўрстилган.

6-жадвал

Эзофагопластикада ўзига хос асоратларни қиёсий баҳолаш

Анастомоз шакли	Сон	етишмаслик	Трансплантат некрози	трансплантат тикишлари етишмаслиги	Жами ўзига хос асоратлар
ЭзГА к-к салаз	63	21	4	1	26 (41,2%)
ЭзГА к-к инваг	9	2	-	-	2 (22,2%)
ЭзГА к-б	2	1	-	-	1 (50%)
<i>Жами</i>	74	24(32,4%)	4(5,4%)	1(1,3%)	29(39,2%)
ЭзГА кўнд-қийшиқ	142	19	1	1	21
<i>Жами</i>	142	19(13,4%)	1(0,7%)	1(0,7%)	21(14,8%)
ЭзГА Давидов	126	1	-	1	2
<i>Жами</i>	126	1(0,79%)	-	1(0,79%)	2(1,58%)

Шундай қилиб, қизилўнгач анастомозларининг қиёсий жиҳатида Давидов М.И бўйича анастомоз сезиларли афзаллиги аниқланди, бунда специфик асоратлар фақатгина 1.58% ҳолатда кузатилди, бу эса ташқи бўйин анъанавий анастомозларига нисбатан 39,2% ва қийшиқ кўндаланг ҚА га нисбатан 14,8% камроқ ($\chi^2=16.74$; $p=0.000043$).

Диссертациянинг «Маҳаллий тарқалган қизилўнгач саратонини хирургик даволаш натижалари» деб номланган бешинчи бобида қизилўнгачнинг топографик-анатомик мураккаб жойлашуви, оғир аҳволдаги беморлар, адекват анестезиологик ёрдамни таъминлашнинг қийинлиги, хирургик киришнинг турли хиллиги, қизилўнгачда реконструктив-тиклаш операциялари техник мураккаблиги (давомийлик, шикастланиш), интраоперацион ва операциядан кейинги асоратларнинг юқори хавфи, шунингдек, ўлим кўрсаткичлари кирувчи хирургик аралашувларнинг хусусиятлари келтирилган. Бевосита ва узок муддатли натижалар, беморларнинг кенгайтирилган ва стандарт операциялардан кейин яшовчанлиги таҳлил қилинди. Умумий гуруҳга операция қилинган ва клиникадан чиқарилган 166 та бемор киритилди (Льюис типи ва АЦ ва ТАЦ усулда қизилўнгач экстирпацияси), уларнинг 69 тасида стандарт лимфодиссекция, 97 таси кенгайган операция амалга оширилган. Таҳлилга операциядан кейинги даврда турли асоратлардан лган, ўта оғир даражадаги касалхонадан рухсат берилган беморлар, кейинчалик алоқада бўлмаган беморлар киритилмади.


Қизилўнгачнинг кўкрак қафаси саратонини хирургик даволашнинг узок муддатли натижаларини қиёсий таҳлил қилиш яшовчанликни яхшилашда стандарт операция олдида Льюис типига кенгайган операцияларнинг афзаллигини кўрсатди.



4-расм. Лимфодиссекция ҳажмига кўра, беморлар яшовчанлиги

Ишонарли фарқ гуруҳларни умумий ва даражасига кўра алоҳида таққослашда ҳам аниқланди. Шундай қилиб, стандарт операцияга нисбатан кенгайган операция амалга оширилган гуруҳда 3 йилга узайтирилган яшовчанлик икки каррадан ортгани кузатилди (4-расм.). Яшовчанлик мос равишда 45,3% ва 22% ни ташкил этди ($\chi^2=9.82$, $p=0.0017$).

III А даражада (5-расм.) кенгайган операция амалга оширилган беморлар гуруҳида яшовчанликни 3 йилга узайтириш 82,5%ни ташкил этди, стандарт муолажалардан сўнг эса 49,1% ($\chi^2=22.2$, $p=0.000002$).




5-расм. III А босқичдаги беморларнинг лимфодиссекция ҳажмига кўра яшовчанлиги

IIIб босқичда кенгайган лимфодиссекция амалга оширилган гуруҳида 3 йилгача яшовчанлик 63,7%ни ташкил этди, стандарт операция амалга оширилган беморларда эса - жами 23,2% бўлган ($\chi^2= 26.85$, $p= 0.0000002$).

IIIс босқичда 3-йилгача яшовчанлик кенгайган операциядан сўнг 37,3% ва стандарт аралашувдан сўнг 12,5% ни ташкил этди ($\chi^2= 11.82$, $p=0.0006$).

IV босқичда кенгайган операциядан сўнг 3 йилгача яшовчанлик 29,3% ва стандарт аралашувлардан сўнг 5,6% ни ташкил этди ($\chi^2= 13.79$, $p= 0.0002$) (6-расм).



6-расм. Кенгайган операциядан сўнг IV босқичдаги беморлар яшовчанлиги

IV босқичдаги Льюис усули бўйича стандарт ҳажмда операция қилинган учта бемордан ҳеч бири биринчи йилдаёқ яшамади. Биттаси операциядан 3 ой ўтиб, иккинчиси 7 ойдан сўнг, учинчиси аралашувдан 9 ой ўтиб ўлди.

Шундай экан, яшовчанликнинг қиёсий таҳлили операциядан кейинги

асоратлар ва ўлим кўрсаткичларини таққослаганда стандарт аралашувдан кўра кенгайган операцияларнинг афзаллигини аниқлади.

